2012 йил 16 февраль, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 33 (12.094)

Баҳоси эркин нархда

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

***Ёшларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, уларнинг келгусида илм-фан чўққиларини забт этиб, юртимиз салоҳиятини янада оширишларини таъминлаш борасида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг ҳаётимизга изчил татбиқ этилиши бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимини жаҳон андозалари даражасига кўтариш юзасидан амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг тотли меваларини бермоқда. Ҳатто республикамизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий спорт мажмуалари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қад ростламоқда.

Энг муҳими, юртимизда ёш авлодни баркамол тарзда вояга етказиш сиёсатининг мазмун-моҳияти қабул қилинаётган Давлат дастурларида ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Ўйлаймизки, бугун шаҳримизда бошланадиган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизациялашнинг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро анжуман иштирокчилари ҳам юртимиздаги мактаб, коллеж, лицей ва олий ўқув юртидаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, ўзларининг муносиб баҳоларини берадилар ҳамда илғор тажрибалар ўзаро алмашилади.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

Сўз — конференция иштирокчиларига

## ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ СОҲАСИДА УЛКАН ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТМОҚДА

***Тошкент шаҳрида 16-17 февраль кунлари «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизациялашнинг муҳим шарти» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтади. Мазкур халқаро анжуманда ўнлаб мамлакатлардан юзлаб мутахассислар ва экспертлар иштирок этади. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.***




**Жай Дев АГАРВАЛ, Ҳиндистон молия институти бошқарувчилар кенгаши раиси (Ҳиндистон):**

– «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизациялашнинг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференция кўплаб соҳалар қатори таълим тизимининг барча йўналишларини тараққий эттириш борасида Ўзбекистон эришган муваффақиятларни ўрганиш, чет эллик соҳа мутахассислари билан фикр ва тажриба алмашиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, уларга пухта билим бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгилангани юксак самаралар бераётир. Давлатингиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бераётган самараларни ўрганиш ва қўллаш бошқа мамлакатлар учун ҳам улкан имкониятлар эшигини очади.

2010 йили Тошкентда ўтказилган Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисида қатнашган эдим. Ўзбекистонда банк-молия тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарасида мамлакатингизнинг ташқи иқтисодий муносабатлари тобора мустаҳкамланиб, халқаро майдондаги обрў-эътибори муттасил юксалмоқда. Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш стратегиясидан ўрнак олса арзигулик жиҳатлар ғоят кўп.

Биз Тошкент молия институти билан бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Мазкур соҳада алоқаларимиз жадал ривожланаётгани бизни ғоят қувонтиради. Ўзбекистонлик талабаларнинг турли фанларни ўрганишга катта қизиқиши, ўз истеъдодини амалда юксак даражада намоён этиши бизда доим ҳавас уйғотади. Юксак интеллектуал салоҳиятга эга, интилувчан ва изланувчан, билимга чанқоқ Ўзбекистон ёшлари билан мулоқотда бўлиб, мамлакатингиз келажаги буюк эканига яна бир бор амин бўлдик.

(Давоми 2-бетда)

***Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган кучли демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самараларини бермоқда. Бу тараққиётнинг «ўзбек модели» сифатида халқаро миқёсда ҳам кенг ўрганилмоқда.***

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҲАЁТИЙ ДАСТУР

Изчил юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар дунё жамоатчилиги ҳамда Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилаётгани бунинг далилидир. Бунда Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ташкил этилган «Ўзбекистон демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида» мавзуидаги республика илмий-амалий конференциясида шулар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қ.Назаров, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Б.Мирбобоев ва бошқалар давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси юртимиз мустақил тараққиёт йўлида навбатдаги муҳим босқични бошлаб берганини алоҳида таъкидлади. Концепцияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини такомиллаштириш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, иқтисодиётни янада либераллаштириш каби долзарб масалалар қамраб олинган. Айни пайтда узоқ муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам жой олиш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини тубдан яхшилашдек эзгу ва юксак мақсадларга эришиш йўллари кўрсатиб берилган.

Концепция ва унинг ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли, айниқса, ёшларга атрофлича тушунтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни, мамлакатни модернизациялаш жараёнларини ҳар томонлама чуқур, илмий асосда тадқиқ этишга хизмат қилади.

Конференцияда мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришнинг аҳамияти, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши учун берилаётган имконият, имтиёз ва преференциялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш, аҳолининг моддий фаровонлиги ва даромадларини оширишга доир мавзуларда маърузалар тингланди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ТОШКЕНТ** Фотосуратлар уйида ижодий мактаб-студияси битирувчиларининг миллий қадрият ва анъаналар ҳамда юртимизда эришилаётган ютуқларни акс эттирувчи юзга яқин ижодий иши намойиш этилмоқда.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат аграр университетида «Талаба-ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини янада ошириш ва уларни турли иллатлардан асраш» мавзуида кўргазмали тадбир ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Шайхонтоҳур туманида шаҳар касаба уюшмалари ташкилотчилари бирлашмаси Кенгаши томонидан ишчи-ходимларнинг меҳнат муҳофазасини таъминлашга қаратилган ўқув-машғулоти бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** «Камолот» ЁИҲ Олмазор туман бўлими Кенгаши томонидан 326-мактабда «Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида шахмат-шашка фестивали ўтказилади.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **2011 йилда мамлакатимизда инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этди. Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи республикамизнинг ички манбалари — корхоналар ва аҳоли маблағлари, тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шакллантирилаётгани, айниқса, эътиборга лойиқдир.**

● **Жиззах вилояти ҳокимлигида «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

● **Арнасой тумани марказида мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилиши санъатга ихлосманд болалар учун қувончли воқеа бўлди. 150 ўқувчига мўлжалланган мазкур мактаб қурилиши учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 1 миллиард 750 миллион сўмлик маблағи ўзлаштирилди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Урганч шаҳрида «Тадбиркорлик — мустаҳкам оила пойдевори» мавзуида бизнес-форум ташкил қилинди. Мустаҳкам оила йили муносабати билан ўтказилган мазкур тадбирда республика тижорат банклари вилоят филиаллари мутасаддилари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

● **Европа қитъасида ҳукм сураётган совуқ ҳарорат туфайли Италиядаги машҳур тарихий обида — Колизейга зарар етди. «La Republica» газетаси хабарига қараганда, амфитеатрнинг бир қисми қулаб тушган. Бу қалин қор туфайли ҳосил бўлган музнинг эриши оқибатида юз берган. Шу боис мутасаддилар ушбу тарихий ёдгорликни сайёҳлар учун вақтинча ёпиб қўйишга қарор қилишди.**

● **Жаҳонга машҳур «Boeing» компанияси 2030 йилгача 33,5 минг дона самолёт ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Бу ҳақда Рэнди Тинсет айтиб ўтди. Унинг таъкидлашича, ҳозир дунёда «Boeing» томонидан тайёрланаётган 90 дан 200 нафаргача йўловчига мўлжалланган самолётларга талаб ошиб бормоқда. Шу боис компания мазкур ҳафтада сўнгги синовлардан ўтказиладиган «Boeing 737 MAX» русумидаги лайнерлар ишлаб чиқаришни кескин оширади.**

● **«Moody`s» халқаро рейтинг агентлиги тўққизта давлатнинг кредит рейтингига оид янги хулосаларини эълон қилди, дейилади «AFP» ахборот агентлиги хабарида. Унга кўра, Испания, Португалия, Италия, Словакия, Словения ҳамда Мальта давлатларининг бу борадаги кўрсаткичлари пасайтирилган. Буюк Британия, Франция ва Австриянинг эса кредит рейтинги бўйича прогнозлари ёмонлашгани маълум қилинган. Изоҳланишича, еврохудудда кузатилаётган иқтисодий инқироз туфайли ушбу мамлакатлар бошқаларга нисбатан кўпроқ молиявий ва макроиқтисодий хавф-хатарга дучор бўлаётгани ана шундай хулосага олиб келган.**

● **«The Wall Street Journal» нашрининг хабар беришича, замонавий ахборот технологиялари соҳасида фаолият олиб борувчи «Apple» компанияси бир дона акциясининг қиймати 500 АҚШ долларига етган. Бундан ўтган йилда компания кўрган даромад 46,33 миллиард АҚШ долларига тенг бўлгани ҳақидаги хабар сабаб бўлди. Жумладан, ушбу ахборот чиқиши билан биржаларда унинг қимматли қоғозлари қиймати муттасил равишда оша бошлаган.**

# ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ СОҲАСИДА УЛКАН ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

**Майкл ЭДЕЛЬШТЕЙН, Нью-Жерси штатидаги Рамапо коллежи директорининг ўринбосари (АҚШ):**

– Мен атроф-муҳит ва экология бўйича мутахассисман. Мамлакатингизга ўтган йили ҳам келиб, Мўйноқ туманидаги вазият билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлгандим. Айтиш жоизки, Марказий Осиё давлатлари, айниқса, Ўзбекистон минтақада экологик вазиятни яхшилаш учун ибратли ишларни амалга оширмоқда. Мамлакатингизда Оролбўйи экологиясини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, минтақада соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш йўлида олиб борилган ишлар ўз самарасини бераётганининг гувоҳи бўлдик. Соҳада фаолият юритаётган мутахассисларнинг касб маҳорати ҳам юксак. Буларнинг барчаси, албатта, мамлакатингизда таълим тизимига қаратилаётган улкан эътибор самараларидандир.

Мамлакатингиздаги бир қатор олий таълим муассасаларида бўлиб, талабалар билан суҳбатлашдим. Ўзбекистон ёшларининг шижоати, юксак одоби, билим олишга чанқоқлиги, самимийлиги менда катта ҳавас уйғотди. Ўзбекистоннинг гўзал табиати, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларидаги тарихий обидалар, замонавий бинолар ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Мазкур халқаро анжуман кунлари Ўзбекистонда фан-таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар билан янада яқинроқ танишаётганимдан, бой маданиятингиздан баҳраманд бўлаётганимдан хурсандман.

«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизациялашнинг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференция Ўзбекистонда юксак самаралар бераётган таълим дастури билан яқиндан танишиш, турли мамлакатлар олим ва мутахассислари билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини бераётганидан мамнунман.

**Азмат Ҳаёт ХОН, Пешавор университети ректори (Покистон):**

– Мамлакатингиз раҳбари Ислом Каримовнинг таълим соҳаси ривожи, ёшлар таълим-тарбиясига қаратаётган улкан эътиборини мазкур халқаро конференция мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, ҳар қандай давлатнинг мавқеи ундаги таълим тизимининг қай даражада тараққий этаётгани ҳамда унинг сифати халқаро стандартларга қанчалик мувофиқлигига ҳам боғлиқ. Ўзбекистонда бу борада амалга оширилган ишлар бераётган юксак самараларни, тўпланган бой тажрибани ўрганиш ва татбиқ этиш бошқа мамлакатлар учун ҳам жуда фойдали бўлади. Мамлакатингизда жорий этилган 12 йиллик мажбурий-бепул, узлуксиз таълим касб-ҳунарга йўналтирилганлиги ва ўқувчиларнинг қизиқиши асосида амалга оширилаётгани ўз самараларини бераётир.

Мамлакатингизда барпо этилаётган замонавий жиҳозлар билан таъминланган ва муҳташам биноларга эга таълим муассасалари сони тобора кўпаймоқда. Ўзбекистонда ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликка, таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларга ҳавас қилса арзийди.

**Ю Ми ХА хоним, Сангшим тиббиёт-таълим жамғармаси президенти (Жанубий Корея):**

– Мазкур халқаро конференция мавзуининг долзарблиги билан дунёнинг кўплаб мамлакатларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Анжуманда иштирок этиб, ўзим учун кўплаб зарур ва фойдали маълумотлар олишимга ишонаман. Тиббиётда таълим сифати ва даражаси энг юқори поғонада бўлиши даркор. Бунинг учун талабадан кўп меҳнат, сабр ва кучли билим талаб этилади. Боиси, бўлажак шифокорлар инсон ҳаёти учун масъул шахсдир. Жамғармамиз Тошкент педиатрия тиббиёт институти билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзаро ҳамкорлик лойиҳасига кўра, ўзбекистонлик ёш шифокорлар Жанубий Кореяда малака ошириш ва у ердаги шифохоналарда амалиёт ўташ имконига эга бўладилар.

Ўзбекистон тиббиёт соҳасида кенг қамровли туб ислоҳотларни амалга ошириб, улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга сазовордир. 2011 йилнинг ноябрь ойида ташкил этилган «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзуидаги халқаро симпозиумнинг ўтказилгани юртингизда тиббиётга қаратилаётган юксак эътиборга ёрқин мисолдир.

Мамлакатингизнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури мукаммаллиги билан ажралиб туради. Пойтахтингиздаги кўплаб лицей ва коллежлар фаолияти билан танишар эканман, таълим соҳасига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва юксак эътибор самараларига гувоҳ бўлдим. Яна шунга ишонч ҳосил қилдимки, Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳияти жуда кучли. Бу ҳам юртингизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасидир. Таҳсил олиш учун барча зарур шарт-шароитга эга интилувчан ва изланувчан ўзбекистонлик ёшларга ҳавас қилса арзийди.

**Эдгар КЛОЗЕ, Бранденбург Технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш институти президенти, профессор (Германия):**

– Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён ўтган қисқа вақт ичида таълим жабҳасида ҳам салмоқли натижаларни қўлга киритмоқда. Буни биз ўзбекистонлик ёшларнинг юксак интеллектуал салоҳияти мисолида кўрдик. Қайд этиш жоизки, таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Зотан, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни мустаҳкамлаб бўлмайди.

Биз Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент врачлар малакасини ошириш ва Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келамиз. Сўнгги беш йил ичида институтимизда ўзбекистонлик бир қатор талабалар малака оширди. Улар айрим қўшма лойиҳалар устида иш олиб бордилар. Натижада икки мамлакат учун ҳам фойдали бўлган турли янги инновацион ғоялар шаклланди ва амалга оширилди. Айтиш жоизки, ўзбек талабаларининг билим олишга ва тил ўрганишга бўлган иштиёқи жуда баланд.

**Савсан НОВЕИР хоним, Версаль шаҳридаги олий архитектура мактаби профессори (Франция):**

– Уч йилдирки, биз Тошкент архитектура-қурилиш институти билан ҳамкорлик қилиб келаётирмиз. Фаол ҳамкорлигимиз натижаси ўлароқ, бир қатор ўзбекистонлик ёшлар Францияда таҳсил олмоқдалар. Улар қисқа фурсатда Франциянинг олий ўқув юртларидаги таълим тизими талабларини ва фанларни осонлик билан ўзлаштирмоқда. Бу уларнинг билим ва интеллектуал даражаси жуда юқори эканидан далолатдир.

Ўзбекистонга илк бор келишим. Бу гўзал заминда ҳукм сураётган осойишта ҳаёт, фаровонлик, тинчлик ва барқарорликка ҳавасим келди. Миллий ва замонавий услубни уйғунлаштирган маҳобатли бинолар, муҳташам иншоотларни кўриб, халқингизнинг меъморлик санъати ва бунёдкорлик салоҳиятидан лол қолдим.

**Мадина УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди**

# ИНВЕСТИЦИЯ-МОЛИЯ ФОРУМИ

***Жорий йилнинг 4-8 апрель кунлари пойтахтда V халқаро Тошкент инвестиция-молия форуми бўлиб ўтади. SAIPRO ахборот-рейтинг агентлиги ташаббуси билан ташкил этилаётган форумда инвестиция, суғурта, банк ва кредит, лизинг фаолиятлари, жамғарма ва қимматли қоғозлар бозоридаги долзарб масалалари муҳокама қилинади.***

Форумда «Банк, суғурта, лизинг соҳалари ва қимматли қоғозлар бозорида инвестиция имкониятлари», «Суғурта ва қайта суғурталаш» мавзуида анжуман, шунингдек, IV Тошкент халқаро банклар, қимматли қоғозлар билан шуғулланувчи масъуллар ва банкдан ташқари кредит ташкилотларининг конференциялари бўлиб ўтади.

Бундан ташқари, форум доирасида молиявий хизматлар кўргазмаси ва молиявий грантлар ярмаркаси ҳам ўтказилади.

Ташкилотчиларнинг фикрича, Тошкент халқаро инвестиция форуми мутахассисларга инвестициялаш ва молиялаш соҳасидаги муҳим муаммоларни ҳал қилишга, шу билан бирга хорижий ва ҳудудий ҳамкорлар ўртасида ўзаро фойдали шартномаларни имзолашга имкон яратиб беради.

Ўзбек халқининг миллий анъаналари, кўп йиллик тарихий ва маданий қадриятлари билан таништириш мақсадида форум қатнашчилари учун Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштириш режалаштирилган.

**«Туркистон-пресс»**

## Касаба уюшмалари фаолиятидан

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

***Шаҳар ҳокимлиги ҳамда Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари бирлашмаси Кенгаши ҳамкорлигида корхона ва ташкилотларда меҳнат сифатини янада ошириш, ишчи-ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида жойларда ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.***

Шундай тадбирлардан бири Учтепа тумани ҳокимлигида бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимлиги, шаҳар меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси Давлат инспекцияси, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлар иштирок этди.

Ўқув-машғулотлар давомида мутахассислар томонидан бугунги кунда аҳоли ўртасида меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ масалалар, жамоа шартномаси ва бу борада мамлакатимизда ишлаб чиқилган қонун-қоидалар хусусида иштирокчиларга тушунчалар берилди.

– Аввало Юртбошимизнинг «Халқ манфаатлари ҳамма нарсадан устун», дея таъкидлаган пурмаъно сўзларини айтиб ўтишни жоиз деб биламан, – дейди шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ижтимоий-иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш бўлими мудири Саидмаҳмуд Аъзамов. – Мазкур тадбир ҳам шу мақсадларни асос қилиб олган ҳолда ташкил этилди. «Ўзбекистон Республикаси меҳнатни муҳофаза қилиш», «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш», «Иш берувчининг Фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси» каби Қонунлар, Меҳнат кодекси ва шу асосда ишлаб чиқилган қонун ости ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини қатнашчиларга етказиш, иш берувчилар томонидан уларнинг ижросини таъминлаш масалалари борасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, корхона ва ташкилотларда Меҳнат кодекси ва меҳнатни муҳофаза қилиш меъёрларида белгиланган қоидаларга риоя этиш бўйича ўрнатилган тартибда жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳамда иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнат билан боғлиқ, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солиш борасида жамоа шартномаларининг аҳамияти хусусида сўз юритилди. Бу каби тадбирлардан сўнг, ўйлаймизки жойларда меҳнат шартномаси билан боғлиқ муаммоларнинг олди олинади, қолаверса, бу каби ўқув машғулотларида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган ва фаолияти билан бевосита боғлиқ масалаларни, меҳнатининг ҳуқуқий асосини айнан мутахассисларнинг ўзларидан эшитишади. Бу эса, келгусида соҳада бугунги кунда учраётган айрим камчиликларнинг олдини олиш ва меҳнат фаолияти давомида юз бераётган муаммоларни қонуний бартараф этиш имкониятини яратади.

Дарҳақиқат, инсоннинг қадр-қиммати ва унинг манфаатлари мамлакатимизда энг устувор, олий қадрият дея эътироф этилади. Бу борада ишлаб чиқилган қонунлар эса унинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Зеро, юртимизнинг Бош Қонунида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатлангандир.

Семинар давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилардан жавоблар олдилар ҳамда меҳнат фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш борасидаги ўз таклиф-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

**Садоқат АСЛАНОВА**

# БАРКАМОЛ АВЛОД МАСКАНЛАРИ

***Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган баркамол авлод марказлари ёшларнинг энг севимли масканига айланди. Айни пайтда республика бўйича 211 та ана шундай марказ фаолият юритмоқда. Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, уларга касб-ҳунар ва билим сирларини ўргатиш, ўз иқтидор ва қобилиятларини юзага чиқаришда мазкур марказлар муҳим аҳамият касб этаётир.***

— Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан мактабдан ташқари таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш, ёш авлоднинг иқтидорини юзага чиқариш ва уларни касб-ҳунарга ўргатиш мақсадида Республиканинг барча туман (шаҳар)ларида «Баркамол авлод» болалар марказлари ташкил этилди, — дейди Халқ таълими вазирлиги «Баркамол авлод» болалар марказлари фаолиятини ташкил этиш шўъбаси мудири Қаҳрамон Мавлонов. — Замонавий жиҳозланган марказлардаги тўгаракларда ўғил-қизлар ўз хоҳиш ва истаклари бўйича аъзо бўлиб, дарсдан сўнг турли ҳунар сир-асрорларини ўрганиши баробарида, ўз истеъдод ва салоҳиятини намойиш этмоқда.

Қ. Мавлоновнинг таъкидлашича, «Баркамол авлод» марказларида 36 йўналишда тўгарак, студия ва клублар фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда қизлар бичиш-тикиш, зардўзлик, бисер тикиш, қўлда тўқишни ўрганишса, ўғил болалар халқ амалий санъати, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик сир-асрорларини эгаллашади.

— Ўқувчи-ёшларнинг ижодий салоҳиятини ошириш, уларни ватанпарварлик, миллий қадриятларга садоқат руҳида камол топтириш, меҳнатсевар, маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялашда техник-ижодиёт, экология ва ўлкашунослик бўйича фаолият юритаётган тўгараклар ҳамда ёшларни ташаббусга чорловчи марказларнинг ўрни бениҳоя каттадир, — дейди «Баркамол авлод» Республика болалар бадиий ижод маркази директори Зокир Товбоев. — Асосий мақсад ёшларнинг турли йўлларга кириб кетишининг олдини олиш, вақтларини ҳунар ўрганиш ва истеъдодларини рўёбга чиқаришга сарфлашлари учун шароит яратиб беришдан иборат. Қувонарлиси, мактаблардан келаётган ўқувчиларнинг кўпчилиги ўз йўналишларини тез аниқлаб, тўгаракларга аъзо бўлмоқда. Ўқувчиларнинг иқтидорини аниқлаш мақсадида имтиҳон ва тест синовлари ўтказилади. Ёшларнинг дам олиши, турли касб-ҳунар сирларини ўрганиши учун марказларда барча шароитлар яратилган. Замонавий компьютер техникалари билан жиҳозланган ўқув хоналари, тикувчилик, пазандачилик, гўзаллик салони, инглиз, рус, немис ва француз тиллари тўгараклари ўқувчи-ёшлар ихтиёрида.

«Баркамол авлод» марказлари болаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларига мувофиқ, уларнинг ижодий ва бадиий қобилиятларини ривожлантириш, фойдали дам олишини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, экология ва ўлкашунослик ижодиёт марказлари ўқувчилар томонидан жонажон ўлкамиз тарихи, археологик ва маданий меросимизни чуқур ўрганилиши, уларни мамлакатимизнинг табиий бойликлари билан таништириш ҳамда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги асосий билимларни чуқурлаштиришда алоҳида ўринга эга.

**Азима ҚИЁСОВА**



# БИТИРУВЧИЛАРНИНГ ИШ ЖОЙИ ТАЙИН

***Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида коллеж ва корхоналар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи, келажакда мазкур корхоналарда ишга жойлашиши бўйича шартнома тузиш йўлга қўйилгани, ушбу келишувлар асосида ўтган йилда 390 мингдан ортиқ битирувчи иш билан таъминлангани алоҳида қайд этилди.***

Ҳар жиҳатдан баркамол шахсни тарбиялаш, жамият ҳаётининг турли соҳалари учун юқори малакали, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш – мамлакатимиз таълим тизимидаги ислоҳотларнинг пировард мақсади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури самарасида ўн икки йиллик узлуксиз таълим тизимининг жорий этилгани, касб-ҳунар эгаллашда йигит-қизларнинг қизиқиши, лаёқати, қобилияти, иқтидори, интеллектуал салоҳияти инобатга олинаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Умумий ва олий таълимни ўзаро боғлаб турган муҳим бўғин – ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими реал иқтисодиётнинг турли йўналишлари учун малакали кадрларни етказиб беришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бунда меҳнат бозорининг муайян ихтисосликларга талаби ҳудудлар бўйича ўрганилаётгани корхоналарнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тошкент шаҳрининг Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник механик, кенг ассортиментдаги кийимлар моделер-конструктори, автоматика воситалари ва назорат ўлчов асбобларини монтаж қилиш, ишлатиш ва хизмат кўрсатиш техниги, пайвандлаш жиҳозлари механиги, маиший хизмат техникаси ва касса аппаратларини таъмирлаш бўйича уста, бухгалтер, молиячи, автомобиль электр ва электрон жиҳозлари диагностикаси техниги, маиший хизмат машиналарини таъмирлаш, компьютер тармоқларини монтаж қилиш ва таъмирлаш каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади. Коллеждаги ўқув ва лаборатория хоналари, ахборот-ресурс маркази, амалиёт учун мўлжалланган устахоналар ўқувчилар ихтиёрида.

– Мамлакатимизда баркамол авлод таълим-тарбияси йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик ўрта махсус, касб-ҳунар таълими масканларининг фаолиятида ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда, – дейди коллеж директорининг ўринбосари Бахтиёр Ҳасанов. – Коллежимизда саксон нафардан зиёд ўқитувчи, педагог-муҳандис, ишлаб чиқариш устаси ўқувчиларга дарс бермоқда.

Ўқув-машғулотларининг сифати ва мазмунини янада яхшилаш мақсадида илғор педагогик, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Иқтисодиёт, автомобиль йўллари, педагогика, молия, техника йўналишидаги олий таълим даргоҳлари билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу педагогларнинг касб малака ва маҳоратини ошириш, ўқитиш сифатини такомиллаштириш имконини бермоқда.

Билим даргоҳида «устоз-шогирд» йўналиши бўйича кенг кўламда иш олиб борилаётгани коллеж билан бандликка кўмаклашиш марказлари, корхона ва ташкилотлар ўртасидаги алоқаларнинг тобора мустаҳкамланишида, ўқувчилар амалиётни муваффақиятли ўтаб, ишга жойлашишида муҳим аҳамият касб этаётир. Чунки устозидан ўрганган касб-ҳунар сирларини шогирд амалиётда қийналмасдан қўллайди. Зийрак, билимли, интизомли мутахассисларга эса барча корхона ва ташкилотлар, муассасаларда талаб ҳамиша катта.

– Ўғлим Акмал Юнусобод туманидаги машинасозлик коллежини тамомлаб, Тошкентдаги «Агрегат заводи» очиқ акциядорлик компаниясида механик бўлиб ишлаяпти, – дейди ЎзА мухбирига Адҳам Иноятов. – Малакали касб эгаси бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топганидан унинг ўзи ҳам, биз ҳам жуда мамнунмиз.

Машинасозлик коллежини 2011 йилда 470 дан ортиқ йигит-қиз тамомлади ва деярли барчаси иш билан таъминланди. Улар ҳозир турли корхоналар, заводлар, автосаройлар, банк-молия муассасалари, хусусий тадбиркорлик фирмалари, тикувчилик цехларида ишламоқда. Уларнинг ўз ихтисослиги бўйича самарали меҳнат қилишида, жамоанинг ҳурмат-эътиборини қозонишида коллежда олган билими жуда асқотмоқда.

Жорий йилда Юнусобод туманидаги машинасозлик коллежини қарийб 450 нафар ўқувчи битиради. Ҳозирга қадар уларнинг аксарияти билан коллеж ва корхоналар, автосаройлар, банк-молия муассасалари, хусусий фирмалар ўртасида уч томонлама шартномалар тузилди. Бу жараён давом этмоқда.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни чуқур билим ва касб-ҳунар эгаллаши учун пухта замин яратиш, уларни замон талабига жавоб берадиган мутахассис кадрлар этиб тайёрлаш йўлида кўрсатилаётган эзгу саъй-ҳаракатларнинг амалдаги ёрқин ифодаларидир.

**Назокат УСМОНОВА**

# ТОШКЕНТДА ТАЪЛИМ ВА КАРЬЕРА КЎРГАЗМАСИ

***Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида 21-23 февраль кунлари «Таълим ва карьера» еттинчи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади.***

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Республика савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ ҳамда «SSP-Expocontact» ОАЖ ҳамкорлигида ташкил этилаётган кўргазмада мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг етакчи олий ўқув юртлари талаба-ёшлари иштирок этади.

Кўргазма ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, таълим жараёнидаги энг сўнгги ютуқларни намойиш қилишга қаратилган. Тадбир доирасида ёшлар орасида таълимни оммалаштириш, мамлакатимизда мазкур тизимни ривожланишининг замонавий йўналишлари ва истиқболларини аниқлаш, юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ўсиши учун зарур бўлган касб ва мутахассисликларни тарғиб қилиш, ёшларга келажакда ўзлари истаган касб-ҳунарни танлаш имконини берувчи экспонатлар намойиш этилади.

Еттинчи марта ўтказилаётган кўргазмада мамлакатимиздаги нуфузли олий ўқув юртлари, хусусан Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент автомобиль йўллари, Тошкент темир йўл муҳандислари, Тошкент молия институтлари каби кўплаб таълим муассасалари ўз ўқув дастурларини тақдим этишади.

«Таълим ва карьера» халқаро кўргазмасида айни пайтгача 35 дан зиёд олий ўқув юртлари, ўқув марказлари, шунингдек, Россия, Латвия ҳамда Европа ва Осиёдаги олий ўқув юртлари иштирок этди. Ўтган йиллардан фарқли ўлароқ, бу йил кўргазмада чет элда ўқишга қизиқувчи ёшлар учун «Хорижда таҳсил олиш» номли махсус бўлим ташкил этилади.

Кўргазмадаги «Қўшимча таълим» бўлимида эса «Карьера», «Иффатли келин» каби ўндан ортиқ ўқув марказларининг фаолияти намойиш этилади.

Кўргазма доирасида турли интерфаол ўйинлар, кўрик-танлов, семинар-тренинглар ўтказилади. Шунингдек, юртимиз ва дунёнинг ривожланган давлатларидаги нуфузли олий ўқув юртларининг тақдимотлари, маҳорат дарслари ва бўш иш ўринларига таклиф этиш бўйича танловлар ташкил этилади.

**«Туркистон-пресс»**

